

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРУВИДА КОМПЛЕКС РЕЖАЛАШТИРИШНИ ИННОВАЦИОН ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Каримов Музаффар Абдувалик ўғели

Андижон давлат университети доенти, и.ф.ф.д (PhD).

E-mail: karimov8993@umail.uz

Тел: +998911706958

Аннотация: Уибу мақолада олий таълим муассасалари бошқарувида комплекс режалашириши инновацион ташкил этиши имкониятлари илмий назарий ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда олий таълим тизимининг SWOT таҳлили, ОТМнинг комплекс чоратадбирлар режасининг ижро механизмини оптималлашириш мақсадидаги инновацион ривожланиши ва мониторинг узвийлиги модели иаклиф этилган.

Калим сўзлар: комплекс режса, давлат-хусусий шериклик, инновацион фаолият innovative technologies, инвестицион инновацион лойиҳалар илмий-техник таҳлилни тиҷорт, молия-иқтисодий, ижтимоий.

I. КИРИШ

Хозирги давр иқтисодиётида фирмалар иш кўрадиган рақобат муҳити инновациялар таъсири остида мутассил ўзгариб туради. Корхона бошқарув тизими марказида моддий ва маънавий манфаатлар, талаб ва эҳтиёжлар асосида мунтазам ўзгариб турувчи инсон капитали туради, чунки инсонни бутун ҳаёти даврида янгилик, инновация жалб қиласи, уни ташаббускорликка, жамиятда лидерликка, обрў-еътиборли бўлишилийка, маънавий ва моддий жиҳатдан бой бўлишилийка чорлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шартшароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли⁵⁸ қарорида “давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиши, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириши, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиши ва тиҷоратлаштириши амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини ташкил этиши” зарурлиги қайд этилган.

II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўрта ва узоқ муддатли истиқболларга мўлжалланган олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар қаторига 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш консепсияси⁵⁹, жумладан илмий-тадқиқот

⁵⁸ <https://lex.uz/docs/-3723272?ONDATE=06.02.2024%2000>

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгасча ривожлантириш контсентсиуасини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони. 08.10.2019 й. <https://lex.uz/docs/4545884>

ишларини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидағи, шу жумладан худудий миқиёсдаги мавжуд муаммоларнинг инновацион ечимиға қаратиш масалалари кўтарилиган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси⁶⁰ каби давлат дастурларини киритиш мумкин.

Мамлакатимизда йилдан йилга инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳалари ва стартапларини ривожлантириш учун молиялаштириш ҳамда кўмак кўрсатувчи “Инновацион лойиҳалар” дастури йўлга қўйилди. Худди шундай, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ҳам тадқиқотчиларга турли соҳаларда илфор илмий изланишлар олиб бориш имконини берувчи қатор илмий грантлар ва дастурлар ташкил этилган. Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида замонавий инновациялар ва тадбиркорлик маркази ташкил этилган. Ушбу марказ талabalарга инновацион лойиҳалар ва стартапларни ривожлантиришга имкон берувчи ўқув дастурлари, мураббийлик ва молиялаштириш имкониятларини таклиф этади. Худди шундай, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Тадбиркорлик ва инновациялар маркази ишга туширилиб, талabalарга бизнес ғояларини ишлаб чиқиши ва соҳа етакчилари билан мулоқот қилиш учун платформа яратилди.

Аксарият бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида иш берувчилар томонидан ёлланма ишчиларнинг етарли даражадаги касбий кўникум ва малакаларга эга эмаслиги билан биргалиқда, олий маълумотли ҳодимларнинг инновацион салоҳияти паст эканлиги таъкидлаб ўтилган⁶¹.

Инновацион фаолият жамиятнинг барча жабҳаларига таъсир кўрсатиб, янги иқтисодий шароитларда обектив тарзда иқтисодий жараёнлар ривожланишининг тизимли омилига айланмоқда. Шунга мувофиқ ҳолда инновацияларнинг жамият ва давлат турмуш фаолиятининг иқтисодий асосларига таъсир кўрсатиши ўзига хос хусусиятлари ва тавсифини таҳлил қилишда ҳамда инновацион фаолиятини мақбуллаштириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишида тизимли ёндошувни қўллаш зарурлиги юзага келади.

Инновацион фаолият – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият. Моҳиятига кўра инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фантехника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат⁶².

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиуси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

⁶¹ Skills Development. The World Bank. <https://www.worldbank.org/en/topic/skillsdevelopment>

⁶² Innovatsion ta’lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboyeva M.H., Sayfurov D.M., To’rayev A.B. – Toshkent: 2015. – 208 bet.

Инновацион фаолиятда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий умумий тамойиллари сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин:

- инвестицион инновацион лойиҳаларни ишлаб чиҳиш ва амалга ошириш жараёнида уларни амалга оширишга мажмуавий ёндашишни таъминлаш учун илмий-техник таҳлилни тижорт, молия-ииқтисодий, ижтимоий билан бирлаштириш зарур.

- инновацион фаолиятдаги инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиҳиш ва экспертиза қилишда лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган инновацион маҳсулот оқимлари лойиҳада фойдаланиладиган турли -туман ресурслар оқимлари каби пул маблағлари оқими кўринишида тақдим этишлари керак.

- инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда харажатлар ва натижаларни солиширишни пуллар қийматини вақтда ўзгаришини ҳисобга олиш билан Ўтказиш зарур.

- инвестицион инновацион лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ ноаниқлик ва хатарларни принсибиал ҳисобга олиш зарур.

Вақт омили ҳисоби лойиҳа самарадорлигини баҳолашнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бу ҳисоб пулларнинг вақтдаги қиймати назарияси тушунчаларига асосланади, унга кўра биттагина пул суммаси вақтда жорий пайтга нисбатан, масалан, инфляция, пул маблағларидан муқобил фойдаланиш имкониятлари (пулни инновацион лойиҳага киритмаслик, балки банкка қўйиш мумкин ва уларнинг қиймати вақт давомида ўзгаради), ушбу объектга инвестициялар киритиш билан боғлиқ хатарлар ва ноаниқлилик ва бошқа сабаблар туфайли ҳар хил қийматга эга бўлишлари мумкин.

“Инновацион лойиҳа” тушунчаси қўйидагича қўриб чиқилиши мумкин:

- инновацион фаолиятни мақсадли бошқариш шакли;
- инновацияларни амалга ошириш жараёни;
- хужжатлар мажмуаси⁶³.

Инновацион жамоанинг самарали фаолиятига раҳбар катта таъсир кўрсатади. У ўзининг раҳбарлик қобилияти билан жамоанинг жипслигини мустаҳкамлаши, унга доимо лойиҳанинг мақсадлари ва уларни бажариш муҳимлиги ҳакида эслатиб туриши, унинг рухини кўтариш ва энг юқори натижага йўналтириши лозим. Шу билан бирга авторитар ёки буйруқ-маъмурий усулдаги раҳбарликка йўл қўйилмайди. Чунки инновацион гурух аъзосининг мақоми лавозим иерархиясида юқори поғона, маълумот даражаси билан эмас, балки илгари сурилаётган ғояларнинг қиммати, унинг ижодкорлик даражаси ва фикрлашдаги ўзгарувчанлик билан белгиланади. Инновацион лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун жамоада манфаатлар тўқнашувларига йўл қўймаслик лозим. Моддий ва шахсий манфаатлар тўқнашуви инновацион лойиҳаларни юзага келмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

⁶³ Yo'ldoshev N.Q, Mirsaidova Sh.A, Goldman Ye.D. Innovatsion tenejment. Дарслик Т.:

III. ТАҲЛИЛЛАР

Инновацияларнинг яратувчиси доимо алоҳида шахс бўлган. Бу ҳолатда биз инновацияларга бўлган қобилияти нуқтаи назаридан алоҳида шахснинг психологиясини кўриб чиқишимиз керак. Шунинг учун инновативлик психологиясининг асосий муаммоси шахснинг ижодий потенсиалини психологик томондан ўрганиш механизмлари, шакллари ва усулларини назарий ва экспериментал равишда асослаб бериш ҳамда самарали инновацион фаолият учун психологик комфорт билан таъминлашдир⁶⁴. Инновацион фаолиятга бўлган иқтидор ёки ижордкорлик қобилияти фақат айрим одамлар эга бўлган туғма хусусият эканлигини фараз қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларга инновацион лойиҳалар ва илмий изланишлар олиб боришлари учун зарур ресурслар ва қўмак бериш бўйича ишлар олиб бормоқда. Бунга молиялаштириш имкониятлари, мураббийлик ва тренинг дастурлари, шунингдек, тадқиқот ва инновацион грантлар ташкил этиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳалари ва стартапларини ривожлантириш учун молиялаштириш ҳамда қўмак кўрсатувчи "Инновацион лойиҳалар" дастури йўлга қўйилди. Худди шундай, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ҳам тадқиқотчиларга турли соҳаларда илфор илмий изланишлар олиб бориш имконини берувчи қатор илмий грантлар ва дастурлар ташкил этилган. Инновациялар маданиятини юксалтириш, соҳага оид кўникмаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш ва талabalар ва профессор-ўқитувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш орқали ушбу муассасалар мамлакатда иқтисодий ўсишни ва ижтимоий тараққиётни таъминлай оладиган малакали ва рақобатбардош ишчи кучини этиштиришга тайёр.

О.С.Қаҳҳоров ўз илмий қарашларида олий таълим тизимида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми олий таълим миқёсидаги умумий ҳамда ҳар бир кадр фаолияти кесимидағи индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табақалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштирган. Бизнингча, ОТМларнинг ҳудудий ва минтақавий нуфузини ошириш, ўзаро рақобат ва дунё миқёсида етакчи таълим муассасалари қаторидан жой олишлигига инновацион лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилиниши ва улардан кутилатотган натижалар самарадорлигига ҳам боғлиқдир⁶⁵.

⁶⁴ Иванов М.М., Колупаева СР., Kochetkov Г.Б. CSHA: управление наукой и нововведениами. — М.: Наука, 1999. — С. 23

⁶⁵ O.S.Qahhorov "Oliy ta'lim tizimida raqabatbardosh kadrlar tayyorlashning boshqaruv mexanizmini takomillashtirish (Buxoro va Navoiy viloyatlari misolida)" 08.00.05 – Xizmat ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyoti 08.00.13 – Menejment Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. Samarqand-2021

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йилда илмий тадқиқотчилар сони 30,3 минг кишини ташкил этган. Бу 2019 йилга нисбатан 15,2%, 2020 йилга таққослагандага, 18,8 %га кўп ҳисобланади. Шулардан илмий тадқиқот ишларини бажарган фан докторлари 2919 киши, фан номзодлари ва фалсафа докторлари (PhD) 5911 кишини ташкил этади. Республика бўйича таянч докторантлар сони 2021 йилда 3880 кишига етган. Бу 2020 йилга нисбатан 45 %дан ошироқдир. Энг кўп докторантар Тошкент шахри (1557 киши) ҳамда Самарқанд вилояти (495) улушига тўғри келади⁶⁶.

1-жадвал.

Ўзбекистонда олий таълим тизимининг SWOT таҳлили⁶⁷

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<p>1. Таълим обектлари мавжуд бўлган худудларнинг юқори географик ва табиий салоҳияти;</p> <p>2. Таълим обектларида турли маданий-маиший ва дам олиш хизматларининг мавжудлиги;</p> <p>3. Таълим хизматларидан мақсадли фойдаланиш учун ўсиб бораётган реал талабнинг мавжудлиги;</p> <p>4. Таълим хизматлари соҳасини ривожлантиришга хукуматнинг алоҳида эътибор қарататганинига ва унинг инвестиция сифатида эътироф этилиши;</p> <p>5. Хавфсизлик нуқтаи назаридан мамлакатнинг тинч, осойишталиги ва инсон дахлсизлигининг таъминланганлиги.</p>	<p>1. Мамлакатимиз ва унинг худудларида таълим соҳасидаги мавжуд юқори салоҳиятдан максимал даражада фойдалана олмаслиқ;</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотида ва иш билан бандлиқда таълим соҳаси улушининг жуда пастлиги;</p> <p>3. Таълим соҳасига инвестициялар жалб этишнинг паст даражадалиги;</p> <p>4. Таълим хизматларини таклиф этувчи обектлар жойлашган худудларда зарурӣ инфратузилмалар ва кластерларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;</p> <p>5. Кўрсатилаётган таълим хизматлари учун нархларнинг хизматлар сифатига номутаносиблиги.</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p>1. Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш йўналишлари учун таълим бозорини ривожлантириш тенденсияси ҳамда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги;</p> <p>2. Таълим соҳасидаги инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорликни ошириш;</p> <p>3. Таълим хизматлари кўрсатиш географиясини худудлар бўйича кенгайтириш имкониятлари;</p> <p>4. Янги қувватларни ишга тушириш ва филиалларнишакллантириш асосида янги иш ўринларини яратиш имкониятлари.</p> <p>5. Олий таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликтини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини ишлаб чиқиш;</p> <p>6. Ҳар бир кадр фаолияти кесимида индивидуал-аниқлаштирилган даражаларда табакалаштирилган стратегик режалаштириш асосида такомиллаштириш имкониятлари</p>	<p>1. Жаҳон таълим хизматлари бозори билан боғлиқ иктисодий сиёсатнинг ўзгариши;</p> <p>2. Халқаро ахборот тизимларига қўшилиш натижасида халқаро бозордаги етакчи таълим хизматлари бозори билан рақобатбардошликтининг кучайиб бораётганлиги;</p> <p>3. Рақобатчиларнинг пайдо бўлиши натижасида хизматлар ва даромадларнинг рақобатчилар ўртасида тақсимланиши;</p> <p>4. Жаҳонда таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф омилиниң ўзгариши, нарх конюнктурасидаги ўзгаришлар, сифатли хизмат кўрсатиш учун стандарт ва талабларнинг доимий равишда ўзгариши ва ҳ.к. имкониятлари;</p>

⁶⁶ <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talim-muassasalarida-ilmiy-innovatsion-markazlar-tashkil-etish-vrivozhlantirish-y-llari/viewer>

⁶⁷ O.S.Qahhorov "Oliy ta'lim tizimida raqabatbardosh kadrlar tayyorlashning boshqaruv mexanizmini takomillashtirish (Buxoro va Navoiy viloyatlari misolida)" 08.00.05 – Xizmat ko'rsatish tarmoqlari

2021-2023 йиллар мобайнида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланадиган ходимлар сони ўсишда давом этмоқда. Илмий-педагогик фаолият билан бирга илмий-тадқиқот ишларини олиб борадиган ходимлар сони қўйидагича ўзгаришларни кўрсатмоқда: 2021 йилда 221 та, 2022 йилда 23287 та, 2023 йилда эса 22935 нафар ходим ушбу фаолиятни олиб борган. Бу ерда 2022 йилда энг юқори кўрсаткич кузатилган бўлса-да, 2023 йилда бироз камайиш кузатилган.

2021-2023 йиллар мобайнида Олий таълим секторидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида қатнашаётган ходимлар сони сезиларли даражада ўзгарган. Тадқиқотчилар ва техник ходимлар сонида ўсиш кузатилган бўлса-да, ёрдамчи ва бошқа ходимлар сонида пасайиш қайд этилган. Илмий-педагогик фаолият билан шуғулланадиган ходимлар сони энг юқори нуқтага 2022 йилда етган, аммо 2023 йилда пасайган.

2-жадвал.

Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланадиган ходимлар сони⁶⁸

Номи	2021		2022		2023	
	нафар	жами	нафар	жами	нафар	жами
Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланувчи ходимлар сони (ўриндошсиз)	2799	13644	2830	13552	3477	14049
Мутахассислар-тадқиқотчилар	2225	8593	2059	8402	2667	9031
Техник ходимлар	231	1780	317	1835	376	1960
Ёрдамчи ходимлар	237	1899	337	1910	318	1742
Бошқалар	106	1372	117	1405	116	1316
Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини педагогик фаолияти билан бирга бажарадиган илмий-педагогик ходимлар сони	22192	22192	23278	23287	22935	22935

Ўзбекистонда 2017–2020 йилларда илмий ва инновацион фаолият натижалари асосида жами 33175 та мақола, 62470 та маъруза ҳамда маъруза тезислари нашр қилинган. Мақолаларнинг қарийб 40 %, тезисларнинг 28 %дан кўпи халқаро кон ференсия материалларида чоп этилган. Scopus маълумотлар базасида мамлака- тимиз олимлари томонидан 2019 йилда 1520 та, 2020 йилда 3520 та мақола эълон қилинган. Шу даврда Scopus маълумотлар базасидан чиқариб ташланган 1292 та мақола ҳам нашрдан чиқкан⁶⁹. Бундай ҳолатлар, асосан, Scopus журналлари таҳририятлари томонидан қўйилган талаблар ҳақидаги ахборотлар муаллифларга тўлиқ етиб бормаётгани туфайли юз беряётга- нини эътироф этиш лозим.

⁶⁸ U.A Rahimova "Iqtisodiyotni raqamli transformatsiya sharoitida O'zbekiston oliv ta'lim muassalarida innovatsion faoliyatni rivojlantirish yo'llari" 08.00.05 –Xizmat ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyoti Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Andijon-2024

⁶⁹ National Report on Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan for 2017–2020. Tashkent, 2021.


Мамлакатимиз олий таълим тизимини стратегик ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”⁷⁰ги ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилинган. Ушбу фармонда олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар, жуладан:

- институт мақомидаги олий таълим муассасалари фаолияти қўламини кенгайтириш ва институционал салоҳиятини қучайтириш орқали уларни университетга айлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш;
- профессор-ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ушбу касб жозибадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;
- кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва бошқа энг долзарб вазифалар белгиланган.

IV. НАТИЖАЛАР

ОТМларни ривожлантиришнинг йиллик комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишида, унда белгиланган ҳар бир режалари ижро механизмини инновацион ёндашув асосида доимий мониторингини олиб бориш тафсия этилади. ОТМларнинг комплекс чора-тадбирлар режасининг ижро механизмини янада оптималлаштириш мақсадидаги инновацион ривожланиш ва мониторинг узвийлигигини таъминловчи модел таклиф этилади (1-расм).

⁷⁰ O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdagi “O’zbekiston Respublikasi oliv ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to’g’risida” gi PF-5847-sonli Farmoni // <https://lex.uz/docs/-4545884>



1-расм. ОТМнинг комплекс чора-тадбирлар режасининг ижро механизмини оптималлаштириш мақсадидаги инновацион ривожланиш ва мониторинг узвийлиги “R_m+I_d+M_i” модели⁷¹

V. ХУЛОСАЛАР

Ушбу модельда олий таълим муассасаларининг ривожланишга доир мақсадлари белгиланиб, ушбу мақсадларга мос равишда комплекс чора-тадбирлар режаси, яъни йўл ҳаритаси “R_m” (R_m – road map) ишлаб чиқилади. Комплекс чора-тадбирлар режаси ОТМнинг инновацион ривожланиш “I_d” (I_d – innovative development) мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. 1-расмда келтирилган моделга мувофиқ, ОТМ комплекс чора-тадбирларни 5 та йўналиш бўйича, яъни ўқув ишлари, маънавия ва ёшлар масалалари, илмий ишлар, молия ва иқтисод ҳамда рақамли технологиялар (дигитал технологий) бўйича ишлаб чиқилади. Ҳар бир йўналиш бўйича ишланган Р_m режаси жорий йил ёки стратегик режа даражасида бўлиб, ишлаб чиқилган режалардан энг долзарблари Р_m бўйича саралаб олинади. Комплекс чора-тадбирлар таркибида инновацион ривожланиш(I_d)га қаратилган мақсадли режаларни йўналишлар кесимида маҳсус код (D₁/I_d-01 режа, D₂/I_d-03 режа.....) асосида комплекс инновацион режаларни маҳсус кодлар бўйича ижро механизмини маниторинг “M_i” қилиш ва барқарор натижани таъминлашга йўналтирилади. Ижро механизми бўйича мониторинг узвийлиги таъминлангандан сўнг ҳар бир инновацион режа (D₁/I_d-01 режа.....) бўйича мақсадга мувофиқ бажарилганлик самараси юзага келади. Бундай натижадорлик ОТМнинг ўқув ва календар йили учун ишлаб чиқилган комплекс чора тадбирлар режалари инновацион ижро механизми (I_d – innovative development) ва унинг доимий мониторингти таъминланади.

⁷¹ Муаллиф ишланмаси

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi oliv ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi PF-5847-sonli Farmoni
2. Muslimov N.A., Usmonboyeva M.H., Sayfurov D.M., To‘rayev A.B. Innovatsion ta’lim texnologiyalari. – Toshkent: 2015. – 208 bet.
3. Yo‘ldoshev N.Q, Mirsaidova Sh.A, Goldman Ye.D. Innovatsion menejment. Darслик Т.:
4. Иванов М.М., Колупаева СР., Kochetkov Г.Б. CSHA: управление наукой и нововведениуми. — М.: Наука, 1999. — С. 23
5. O.S.Qahhorov “Oliy ta’lim tizimida raqabatbardosh kadrlar tayyorlashning boshqaruv mexanizmini takomillashtirish (Buxoro va Navoiy viloyatlari misolida)” 08.00.05 – Xizmat ko‘rsatish tarmoqlari iqtisodiyoti 08.00.13 – Menejment. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. Samarqand-2021
6. U.A Rahimova “Iqtisodiyotni raqamli transformatsiya sharoitida O‘zbekiston oliv ta’lim muassalarida innovatsion faoliyatni rivojlantirish yo‘llari” 08.00.05 –Xizmat ko‘rsatish tarmoqlari iqtisodiyoti Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Andijon-2024
7. National Report on Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan for 2017–2020. Tashkent, 2021.

Интернет ресурслари:

1. Skills Development. The World Bank.
<https://www.worldbank.org/en/topic/skillsdevelopment>
2. <https://lex.uz/docs/-4545884>.
3. <https://daryo.uz/k/2022/02/133>.
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/influences-of-financing-to-the-professional-staff-training>